



ШИМОЛИЙ АМЕРИКА ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯСИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

DSc Абдурахмонов Фарход Абдуфармонович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID ID- 0000-0001-9350-095X

farkhod68@gmail.com

Аннотация. Ҳозирги пайтда глобаллашувнинг чуқурлашуви сифатида минтақавий ва халқаро иқтисодий интеграцион ташкилотларнинг тобора ривожланиб бориши кузатилмоқда. Ушбу жараён замонавий нуқтаи назардан илмий ва амалий изланишни талаб қилмоқда. Мақолада дунёдаги йирик минтақавий иқтисодий интеграцион ташкилот ҳисобланган Шимолий Америка интеграциясининг (НАФТА, USMCA) замонавий ҳолати таҳлил қилинган. Шунингдек, мазкур интеграцион ташкилотнинг ривожланиш босқичлари, ундаги ўзгаришларнинг сабаблари ёритиб берилган. Таҳлил натижаларига кўра мазкур минтақада интеграция жараёнлари динамик ривожланиб бориши кўрсатилган.

Калит сўзлар: халқаро иқтисодий интеграция, НАФТА, USMCA, глобаллашув, миграция.

СТРУКТУРА СЕВЕРОАМЕРИКАНСКОЙ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ИНТЕГРАЦИИ И АНАЛИЗ ЕЁ СОВРЕМЕННОГО СОСТОЯНИЯ

DSc Абдурахмонов Фарход Абдуфармонович

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В настоящее время наблюдается всё более активное развитие региональных и международных экономических интеграционных организаций как следствие углубления процессов глобализации. Данный процесс требует научного и практического исследования с точки зрения современных реалий. В статье проанализировано современное состояние североамериканской интеграции (НАФТА, USMCA), которая считается одной из крупнейших региональных экономических интеграционных организаций в мире. Кроме того, освещены этапы развития этой интеграционной структуры и причины изменений, происходящих в ней. По результатам анализа показано, что интеграционные процессы в данном регионе развиваются динамично.

Ключевые слова: международная экономическая интеграция, НАФТА, USMCA, глобализация, миграция.

THE STRUCTURE OF NORTH AMERICAN ECONOMIC INTEGRATION AND AN ANALYSIS OF ITS CONTEMPORARY STATE

DSc Abdurakhmonov Farkhod Abdufarmonovich
Tashkent State University of Economics

Abstract. *At present, the intensification of globalization processes is accompanied by the progressive expansion and development of regional and international economic integration organizations. This phenomenon necessitates comprehensive scientific and practical analysis from a contemporary perspective. The article examines the current state of North American integration (NAFTA, USMCA), recognized as one of the most prominent regional economic integration frameworks globally. Additionally, it explores the developmental stages of this integration bloc, shedding light on the underlying causes of its transformations. The findings indicate that the dynamics of integration processes in this region demonstrate sustained and significant progress.*

Keywords: *international economic integration, NAFTA, USMCA, globalization, migration.*

Кириш.

Ҳозирги глобаллашув даврида дунё мамлакатлари ва минтақалари ўртасида иқтисодий интеграция жараёнлари тобора чуқурлашиб бормоқда. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Европада бошланган минтақавий иқтисодий интеграция янги асрга келиб деярли бутун дунё мамлакатларини қамраб олди. Иқтисодий интеграция энг аввало мамлакатларнинг иқтисодий салоҳиятларини биргаликда сафарбар қилиш орқали иқтисодий ўсишга эришиш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва ҳар бир аъзо давлатнинг иқтисодий манфаатларини рўёбга чиқариш имкониятидир.

Минтақавий иқтисодий интеграциялашув жараёнларини таҳлил этадиган бўлсак унинг илк ривожланиш давларида интеграция асосан иқтисодий ҳолати бир-бирига яқин бўлган ва қўшни ҳисобланган давлатлар ўртасида тузилган. Бунга мисол қилиб Европа Иттифоқининг минтақавий иқтисодий интеграциясини келтириш мумкин. XX-асрнинг охирига келиб жаҳон иқтисодиётида юз берган ўзгаришлар, жумладан, ахборот технологияларининг ривожланиши, глобал интернет тармоғининг юзага келиши, рақамли иқтисодиётга ўтилиши, трансмиллий корпорацияларнинг тараққий қилиши билан минтақавий иқтисодий интеграциянинг илк кўринишларига ҳам ўзгаришлар содир бўлди. Агар олдинги даврда анъанавий равишда минтақавий интеграция нисбатан таққосланадиган ижтимоий-иқтисодий шароитларга эга давлатларни қамраб олган бўлса глобаллашув шароитида дунёда иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши жиҳатидан бир-биридан тубдан фарқ қилувчи давлатлар орасида янги минтақавий интеграцион гуруҳлар ташкил этила бошланди. Улардан бири 1994 йилда АҚШ, Канада ва Мексика ўртасида тузилган Шимолий Америка Эркин Савдо Шартномаси НАФТА (North American Free Trade Agreement -NAFTA-) ҳисобланади. Бундан ташқари, ҳозирги кунда ўзаро ҳудудий чегараларга эга бўлмаган давлатлар ўртасида ҳам интеграциялашув жараёнлари амалга оширилмоқда. Шунинг учун мазкур йўналишда тадқиқотлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади Шимолий Америка минтақасидаги интеграцион ташкилотнинг ривожланиш тенденцияларини ўрганишдан иборат. Тадқиқот объекти бўлиб НАФТА ва кейинчалик USMCA га ўзгартирилган шартнома доирасидаги АҚШ, Мексика ва Канада иқтисодий муносабатлари ҳисобланади.

Ушбу мақолада НАФТАнинг вужудга келиши асослари, унинг ривожланиш босқичлари, интеграцион гуруҳнинг хусусиятлари ва мазкур интеграцион тузилманинг қайтадан янгиланиши сабаблари таҳлил этилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, НАФТАнинг қайтадан тузилиши Дональд Трампнинг АҚШда биринчи президентлик даврида айнан унинг талаби билан амалга оширилган эди. Ҳозирда яна Дональд Трампнинг АҚШ Президенти этиб сайланиши билан аъзо мамлакатлар учун янги тарифлар белгилаш масаласи кўтарилмоқда. Шу жиҳатдан ушбу интеграцион гуруҳни тадқиқ этиш муҳим масаладир.

Адабиётлар шарҳи.

Иқтисодий интеграция мамлакатлар ўзаро иқтисодий ҳамкорлигининг натижаси бўлиб, у хўжалик механизмларининг яқинлашувига олиб келади ва бу яқинлашув давлатлараро битимлар шаклини олади ҳамда тегишли давлатлараро органлар томонидан тартибга солинади. (Исмаилова ва Шагазатов, 2019)

Иқтисодий интеграция назарияси ва амалиёти бўйича минглаб тадқиқотлар, жумладан, илмий мақолалар, монографиялар чоп этилган, илмий ишлар ҳимоя қилинган ва бугунги кунда ҳам фаол равишда илмий тадқиқот ишлари давом этмоқда. Иқтисодий интеграция бўйича тўпланган илмий адабиётларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга минтақавий иқтисодий интеграциянинг умумий назариялари ёритилган бўлса, иккинчи гуруҳга бевосита муайян минтақага қиравчи давлатлар ўртасида тузилган интеграцион тузилмаларининг фаолияти амалий томондан тадқиқ этилган. Таъкидлаш жоизки, иқтисодий интеграция тўғрисидаги таърифлар, тушунтиришлар, тасниф ва тавсифлашлар, гуруҳлаштиришлар иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврларга ривожланди. Бу бевосита Ғарбий Европа давлатлари иқтисодий интеграцияси амалиёти фонида юз берди. Мазкур даврда шаклланган таърифлар кўп жиҳатдан неолиберализм ғояларига асосланади.

Америкалик олим Баласс (Balassa, 1961) интеграция назариясини ишлаб чиққан илк олимлардан бири бўлиб, у иқтисодий интеграцияни “жараён ва ҳолат” сифатида таърифлайди. Жараён сифатида иқтисодий интеграция турли миллатларга (давлатларга) мансуб иқтисодий бирликлар орасида камситишларни (дискриминация) бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлардан иборат. Ҳолат сифатида бу мамлакатлар ўртасида камситишнинг турли шакллари мавжуд бўлмаслиги билан ифодаланади. Баласс иқтисодий интеграцияни тўртта босқичини ажратиб кўрсатади, яъни: (1) эркин савдо ҳудуди; (2) божхона иттифоқи; (3) умумий бозор; (4) иқтисодий иттифоқ. Тадқиқотчи интеграциянинг принципал динамик таъсирини кенг қўламли иқтисодиётлар, технологик ўзгаришлар, интеграциянинг бозор тузилиши ва рақобатига таъсири, унумдорликнинг ўсиши, хавф ва ноаниқликлар ҳамда инвестиция фаоллиги сифатида санаб ўтган.

Липсей (1960) иқтисодий интеграцияни божхона иттифоқи сифатида таърифлаб, географик дискриминация (камситиш) таъсирини кўриб чиқиш, уни давлатлар ўртасидаги савдо алоқаларида белгилаш шаклида ифодалайди. У божхона иттифоқининг ишлаб чиқариш самарадорлигига ва истеъмолчиларга бўладиган таъсирини таҳлил қилган.

Иқтисодий интеграция аста-секин ривожланиши жараёнида унинг йўналишларида ўзгаришлар содир бўлди ва шу аснода эски ва янги минтақавий иқтисодий интеграция атамалари қўлланила бошланди. Ловренс (1996) эски ва янги минтақавий интеграцияни қуйидагича фарқлайди:

Хетне (2005) янги минтақавий иқтисодий интеграция мактаби вакили сифатида Б. Балассдан фарқли равишда интеграциялашувни иқтисодиётдан сиёсатгача бўлган тараққиётнинг прогрессив жараёни эмас, балки муайян бир минтақа доирасида интеграцион ўзаро ҳамкорликнинг турли шакллари бир вақтда ривожланишида кўради. Унинг фикрича минтақа ёки макроҳудуд жаҳон сиёсий маконида барча аъзо давлатларининг манфаатларини ифодалайди ва рақобат қилишга қодир бўлган мустақил ўйинчига айланади.

Эски ва янги минтақавий иқтисодий интеграция фарқлари

Эски минтақавий интеграция	Янги иқтисодий интеграция
Импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқариш	Экспортга йўналтирилган иқтисодиёт
Ресурсларни режали тақсимлаш	Ресурсларни бозор тамойиллари асосида тақсимлаш
Давлат назорати остида интеграцияни амалга ошириш	Фирмалар томонидан интеграцияни ташкил этиш
Асосан саноат маҳсулотларига йўналтирилган	Барча товарлар, хизматлар ва инвестициялар
Худудий тўсиқларнинг мавжудлиги	Чуқур интеграциялашув
Яхши ривожланмаган иқтисодиётлар учун имтиёзлар берилиши	Барчага бир хил ҳуқуқлар берилиши

Манба: Lawrence (1996).

Рус олимлари Костюнина (2015), Комкова (2019) ва бошқа бир қатор тадқиқотчилар НАФТА фаолиятини ҳар томонлама илмий тадқиқ қилганлар. Костюнина (2015) Шимолий Америка интеграциясининг умумий афзалликлари ва харажатларини ҳар бир аъзо мамлакат учун таҳлил қилиб, унинг афзалликларини қуйидагилар билан кўрсатади: (1) дунёдаги энг йирик эркин савдо худуди; (2) мамлакатлар ўртасида ўзаро савдонинг динамик ривожланиши; (3) инвестицион жозибдорликнинг ошиши ва ўзаро инвестициялар оқимининг рағбатлантирилиши; (4) рақобатнинг кучайиши ва бандликнинг ўсиши.

Комкова (2019) тадқиқотида НАФТАнинг ўрнига янги таҳрирдаги Америка Қўшма Штатлари, Мексика ва Канада шартномаси (Agreement between the United States of America, the United Mexican States, and Canada, -USMCA) вужудга келишининг сабабларини, уни тузиш жараёнларини кўрсатиб берган. Унинг фикрича, янги шартнома келгусида АҚШнинг иқтисодий перифериясини мустаҳкамлаб, қўшни Канада ва Мексикани ўзига янада яқинроқ боғлаш орқали Шимолий Америка интеграцияси блокни мустаҳкамлайди. Шунингдек, USMCA эркин савдо шартномалари учун янги форматни ўрнатади, унинг элементларидан бошқа мамлакатлар ва минтақалар билан келишувларда фойдаланади.

Минтақавий иқтисодий интеграциянинг институционал тузилиши масалалари Кавешников (2010) томонидан тадқиқ қилиниб, у ушбу жараёнда бир томондан, интеграциялашаётган давлатларнинг миллий манфаатларини ҳисобга олишга имкон берадиган интеграция бирлашмаси ва бошқа томондан, бутун интеграция олдида турган вазифаларни амалга оширишга шароит яратувчи мувозанатли тузилма бўлиши лозимлигини таъкидлайди.

Ўрганилган илмий тадқиқотлар билан биргаликда COVID-19 оқибатлари, АҚШнинг Хитой билан савдо алоқаларидаги тарангликлар, Россия-Украина уруши ва дунёда юз бераётган бошқа воқеъликлар фонида USMCAнинг замонавий жиҳатларини ҳар томонлама ўрганиш зарурияти юзага чиқади.

Тадқиқот методологияси.

Дунё мамлакатлари ва минтақалари ўртасида иқтисодий интеграциялашувни амалга ошириш орқали умумий иқтисодий ривожланишни доимий таъминлаш масалаларига бағишланган мазкур тадқиқот ишининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда, тадқиқотда анализ ва синтез, мантиқийлик, гуруҳлаш ҳамда умумлаштириш каби илмий билиш усуллари билан фойдаланилган ҳолда изланишлар олиб борилди.

Тадқиқотнинг назарий асослари сифатида иқтисодий интеграция бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган айрим олимларнинг ишларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Шимолий Америка давлатларидаги интеграция жараёнлари умуман олганда NAFTA шартномасидан анча олдин бошланган. Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг, 1947 йилда "Abbott режаси" (Канада Молия вазири Дуглас Douglas Abbott номи билан аталган) қабул қилинди, бу АҚШ саноат корпорациялари томонидан Канада иқтисодиётининг бир қатор етакчи тармоқлари корхоналарига инвестицияларни рағбатлантиришни таъминлади. Мазкур режа ишбилармон доираларнинг стратегик интилишларига жавоб бўлди ва икки мамлакатнинг иқтисодий яқинлашуви учун бошланғич нуқта вазифасини ўтади. Кейинги босқичда 1959 йилда иккала давлат ҳарбий техникани биргаликда ишлаб чиқариш тўғрисидаги шартномани имзоладилар ва унинг натижасида Канадада мудофаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришда АҚШнинг техник ва технологик стандартлари жорий этилди. Навбатдаги интеграцион босқич 1965 йилдаги автомобиль маҳсулотлари савдосини либераллаштириш бўйича тузилган шартнома бўлиб, бу бевосита бошқа кўплаб тармоқларнинг интеграциясини рағбатлантирди. Ҳамкорлик тенденцияларнинг ривожланиши, айниқса, XX-асрнинг 80-йилларида Ғарбий Европа, Латин Америкаси ва дунёнинг бошқа қисмларида интеграцион бирлашиш жараёнлари фонида АҚШ-Канада иқтисодий яқинлашувини институционализация қилиш масаласини кун тартибига қўйди. 1985 йил сентябрь ойида Канада ҳукумати ташаббус кўрсатиб, Қўшма Штатларни икки томонлама эркин савдо режимини ўрнатиш бўйича музокараларни бошлашга таклиф қилди. Натижада 1987 йилнинг октябрида **АҚШ-Канада Эркин савдо шартномаси (Canada – United States Free Trade Agreement, CUSFTA)** имзоланди ва 1988 йилнинг 2 январидан ратификация қилинди. Унга кўра ўн йил ичида АҚШ ва Канада икки томонлама савдодаги кўп тўсиқларни бартараф этишлари ва ўзаро инвестицияларни рағбатлантириш учун қўшимча ҳаракатлар қилишлари белгиланган.

Канада ва АҚШ ўртасидаги савдо алоқалари турли ҳужжатлар билан тартибга солинган: 1988 йилдаги Эркин савдо шартномаси; Шимолий Америка Эркин савдо шартномаси (NAFTA) бунда Мексика ҳам аъзо бўлди (1992 йил 17 декабрда имзоланган ва 1994 йил 1 январдан кучга кирган); ва 2020 йил 1 июлдан USMCA (The United States-Mexico-Canada Agreement) шартномаси. Ҳар бир кейинги келишув аввалгисидан фарқ қилиб, бу эса мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун янги қоидалар ва тамойилларни ишлаб чиқишни талаб қилган.

Мазкур интеграция блоки юқори даражада ривожланган иккита мамлакатни (АҚШ ва Канада) ва иқтисодий кўрсаткичлари бўйича улардан жиддий паст бўлган давлат Мексика иқтисодиётини бирлаштиришга қаратилди. Интеграцияга киришиш мақсадида ўзаро келишувни имзолаш орқали учта ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича ўхшаш бўлмаган иштирокчиларнинг ҳар бири ўз манфаатларини кўзлаганлар. NAFTAга қўшилиш орқали Мексика Ҳукумати қуйидагиларни мақсад қилиб қўйган эди:

- Мексика аҳолиси учун етарли миқдордаги яхши маошли иш ўринларини яратиш ва шу билан қўшни мамлакатларга иммиграцияни тўхтатиш;
- тўғридан - тўғри хорижий ва ички инвестициялар оқимини сезиларли даражада ошириш;
- иқтисодий ўсиш ва меҳнат унумдорлигини тезлаштириш;
- ишлаб чиқариш мажмуасини модернизация қилиш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш;
- ижтимоий таъминотнинг юқори даражасига эришиш;
- Шимолий Америка бозорига киришни кафолатлаш;

▪ АҚШ томонидан бир томонлама ҳаракат қилиш имкониятларини чекловчи ташкилий-ҳуқуқий базани яратиш;

▪ мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, илғор технологияларга эга бўлиш;

▪ молия тизими ва миллий валютасининг барқарорлигини таъминлаш.

Ўз навбатида, Қўшма Штатлар Мексиканинг бой табиий ресурслари бозорига кириб Европа ва Осиёда интеграция жараёнларининг кучайиши шароитида ўзининг етакчи иқтисодий мавқеъини мустаҳкамлашни мақсад қилган. Шунингдек, NAFTA бўйича АҚШ стратегияси учта иштирокчи давлатнинг қиёсий афзалликларини бирлаштиришдан иборат эди, булар: АҚШнинг юқори технологиялари ва инвестициялари, Канаданинг табиий ресурслари ва Мексиканинг арзон ишчи кучи. Канаданинг шартномани тузишдан мақсади нафақат АҚШ-Канада Эркин савдо шартномаси (Canada – United States Free Trade Agreement, CUSFTA) афзалликларини сақлаб қолиш, балки унинг баъзи қоидаларини ўзгартириш, шунингдек, ўз маҳсулотларини Мексика бозорига ва келажакда Лотин Америкаси мамлакатларининг тез ривожланаётган бозорларига ишончли киришини таъминлаш имконияти билан боғлиқ эди.

NAFTAнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси қуйидагилардан иборат эди:

- эркин савдо ҳудуди тўғрисидаги асосий битим;
- меҳнат соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим;
- экология соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим;
- автомобиллар, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик ва кийим-кечак бўйича алоҳида шартномалар (шу жумладан икки томонлама).

Шартноманинг асосий мақсадлари кўп жиҳатдан бошқа интеграцион гуруҳлар олдида қўйган мақсадларга ўхшаган ҳолда қуйидагиларни ўз ичига олган:

- 10 йил ичида эркин савдо ҳудудини шакллантириш;
- компаниялар учун келишилган тадбиркорлик фаолиятини ишлаб чиқиш;
- аъзо давлатлар аҳолисининг фаровонлигини ошириш;
- ўзаро савдо ва инвестицияларни ривожлантириш;
- минтақада ҳалол ва адолатли рақобатни таъминлаш;
- интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш;
- ўзаро иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштириш.

Шартнома меъёрлари товарлар савдоси, товарнинг келиб чиқиш қоидалари, божхона, қишлоқ хўжалиги, савдо ва субсидиялар, стандартлар, давлат харидлари, инвестициялар ва хизматлар, тадбиркорларнинг трансчегаравий ҳаракати, низоларни ҳал қилишни қамраб олган. NAFTA шартномасининг имзоланиши нафақат шерик ҳукуматлар томонидан қўйилган иқтисодий ва сармоявий вазифаларни ҳал қилди, балки уч мамлакат ўртасидаги дипломатик, сиёсий ва ижтимоий алоқаларни мустаҳкамлашга ёрдам берди. NAFTA нафақат уч давлат ўртасидаги савдо алоқаларини либераллаштириш воситаси, балки инвестициялар, илмий тадқиқотлар, хизмат кўрсатиш соҳасини либераллаштириш ва низоларни ҳал қилишни тартибга солувчи шартномалар тизими эди; уч томонлама ҳамкорлик доирасида, юқорида айтиб ўтилганидек, меҳнат қонунчилиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида қўшимча протоколлар, бандлар мавжуд.

NAFTA шартномаси янгиланишига қадар бўлган даврдаги маълумотлар таҳлил этилганда интеграциядан учала мамлакат ҳам ижобий самара олган. Жумладан, 1993-2017 йилларда аъзолар ўртасидаги савдо ҳажми 297 млрд. АҚШ долларидан 1170 млрд. долларига етган ёки тўрт мартаба ошган, бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш, бандлик, корпоратив даромадлар ва солиқ тушумларининг кўпайишига олиб келган. Мазкур даврда АҚШнинг қўшни давлатларга экспорти 142 дан 525 миллиард долларгача,

кўшнилари АҚШга импорти эса 151млрд АҚШ долларидан 614 миллиардгача ўсган (NAFTA and the United States-Mexico-Canada Agreement (USMCA), n.d.).

АҚШ, Мексика ва Канада ўртасида тузилиб, 1994 йилнинг 1- январидан бошлаб кучга кирган НАФТАни модернизация қилиш бўйича 2018 йилда келишувга эришилди. НАФТАнинг ўрнини Шимолий Америкада интеграция жараёнларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини очадиган **АҚШ— Мексика — Канада шартномаси (United States — Mexico — Canada Agreement, USMCA)** эгаллади. Уч томонлама музокараларнинг ташаббускори АҚШнинг 45-Президенти Трамп (2017-2021) бўлиб, у мазкур шартномани янгилаш билан АҚШ учун энг қулай шароитларга эришишни мақсад қилган эди. АҚШнинг босими остида Мексика ва Канада бир қатор ён беришларга бордилар, аммо бир қатор соҳаларда улар ўзлари учун стратегик муҳим АҚШ бозорига киришни сақлаб қолишди. Бошқа томондан USMCA Шимолий Американинг рақобатбардошлигини янгилаш учун асос яратди. АҚШ, Канада ва Мексика ўзгарувчан глобал сиёсий иқтисод шароитида ўзларининг иқтисодий стратегияларини мувофиқлаштиришлари ҳам шартномани янгилашга асос бўлди.

Ўзгаришлар республикачи Трампнинг 2016 йилдаги АҚШ сайловларидаги ғалабасидан кейин содир бўлди. Сайлов кампанияси даврида ҳам бўлажак президент томонидан АҚШнинг эркин савдо зонасидан чиқиш истаги билдирилган. Д. Трамп НАФТА АҚШ ишлаб чиқариш қувватларининг тошиб кетишига, мамлакат иқтисодий секторининг деиндустриализациясига ва АҚШ билан савдода профицитнинг ўсишига олиб келди деган баёнот билан чиқди. Трампнинг иддаоси шундан иборат эдики, АҚШ сахийлиги туфайли хорижий шерикларга фойдали савдо битимларини тақдим этган ва ноқонуний муҳожирларнинг мамлакатга бостириб киришига ва америкаликлардан иш жойларини "ўғирлашларига" рухсат берган ва бу иш ҳақининг камайишига олиб келган. Бундай шароитда у глобаллашувга қарши икки томонлама платформани таклиф қилди: унинг биринчи жиҳати мамлакатнинг савдо ҳимоясини кучайтиришга қаратилган изоляционизм; иккинчи жиҳат истеъмолчиларнинг одатлари билан боғлиқ эди. АҚШ Президенти ҳукумат, бизнес ва миллий истеъмолчилардан Америка товарлари ва маҳсулотларини сотиб олишни сўради.

Трамп АҚШ Президенти сифатида иш бошлаши билан 2017 йил 23 январда Мексика Президенти Энрике Пенья Ньето НАФТА қайта тузилиши муқаррарлигини англаб, муаммоларни қарама-қаршилик билан эмас ўзаро мулоқот йўли орқали ҳал этишни ҳамда бешта тамойил ва ўнта аниқ мақсадни ичига оладиган таклиф билан чиқди. 5 та тамойил қуйидагилардан иборат бўлди:

- (1) Миллий суверенитетни ҳимоя қилиш;
- (2) Ҳуқуқий давлатни ҳурмат қилиш;
- (3) Ўзаро манфаатларни қидириш (ютуқ-ютуқ);
- (4) Шимолий Америка интеграцияси ғояларига содиқлик;
- (5) Шартноманинг хусусиятларини ҳисобга олиш.

Мақсадлар борасида Мексика раҳбарияти бир қатор муҳим масалаларга эътибор қаратди, улардан баъзилари НАФТА муаммолари билан бевосита алоқаси йўқ эди, аммо кўшни давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг энг оғриқли жиҳатларига таъсир кўрсатди. Жумладан, Мексика кун тартибига қуйидаги масалаларни қўйди: АҚШдаги муҳожирлар вазияти, яъни уларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, Мексикага пул ўтказмаларида эркинлик, ноқонуний миграция ва гиёҳванд моддаларни АҚШга ташиш бўйича асосий манба ҳисобланган Марказий Америка мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига кўмаклашиш, АҚШдан ноқонуний қуролларни ўтиши ва Мексика жиноий тузилмалари қўлига тушиши масалалари.

Кўшма Штатлар кўшни давлатлар ички бозорига, табиий ресурслари ва ишчи кучи бозорига киришдан иқтисодий фойда олди. Шу билан бирга, Кўшма Штатларга Мексикадан ноқонуний муҳожирлар оқимининг кўпайиши унинг жанубий чегарасидаги

вазиятни беқарорлашишига олиб келди. Буларнинг барчаси NAFTA битимини яқунлаш, уч томонлама ҳамкорлик учун янги тузилмаларни яратиш ва ҳамкорликни иқтисодидан ташқари сиёсий соҳага кенгайтириш чораларини кўришни зарур қилди.

Мексика делегациясининг музокаралар кун тартибидаги бешта вазифа NAFTA ислоҳоти билан бевосита боғлиқ эди. Шу жумладан:

(1) АҚШ, Мексика ва Канада ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизимида эркин савдо режимини қўллаб-қувватлаш; соғлом рақобат асосида АҚШ ва Канадага Мексика экспортини кўпайтириш;

(2) NAFTAни модернизация қилиш учун шартномага иқтисодидан янги тармоқларини киритиш: телекоммуникация, энергетика, электрон тижорат;

(3) шартноманинг модернизация қилинган матнида мексикалик ишчиларнинг иш ҳақини оширишга ҳисса қўшадиган қоидалар мавжудлигини таъминлаш; Мексиканинг рақобатбардош устунлиги ишчи кучининг паст даражаси эмас балки юқори маҳсулдорлиги бўлиши зарурлиги;

(4) Мексика иқтисодиётига киритиладиган миллий ва хорижий инвестицияларни ҳимоя қилиш ва рақобатлантириш; халқаро инвесторларга ишончни уйғотадиган шартномалар тузиш;

(5) АҚШ билан муносабатларда яхши қўшничилик тамойилларини таъминлаш; шу муносабат билан Мексика президенти деворларни эмас, балки кўприкларни қуришга чақирди.

Ўз навбатида АҚШ томонидан музокаралар жараёнида қуйидаги масалалар кўйилди:

(1) АҚШда ишлаб чиқарадиган маҳсулотларнинг кўпчилигини Мексика ва Канада бозорларига эркин кириш режимини сақлаш ва шу билан бирга АҚШ компаниялари учун жозибador бўлган соҳаларда АҚШ манфаатларини ҳимоя қилиш;

(2) АҚШ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қўшни мамлакатларга тарғиб қилиш ва Канадага сут маҳсулотлари ва парранда гўшти импортидаги чекловларни олиб ташлаш; АҚШ дон ва алкоғолли ичимликлар экспортга тўсқинлик қилувчи камситувчи тўсиқларни олиб ташлаш;

(3) АҚШ, Канада ва Мексикага божсиз олиб кириш ҳуқуқидан фойдаланадиган товарларнинг "Шимолий Америка таркиби" (NAFTAга аъзо мамлакатларида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қўшимча қийматини бир қисми) талабларини янгилаш ва мустаҳкамлаш. Автомобиллар қийматида "Шимолий Америка" компонентлари ва қисмларининг ҳиссасини 62,5 дан 85 гача% ошириш;

(4) Шимолий Америка давлатларининг энергия хавфсизлиги ва мустақиллигини таъминлаш мақсадида энергетика соҳасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор бериш; инвестицияларни кўпайтириш орқали энергия ишлаб чиқаришни кўпайтиришга интилиш;

(5) АҚШ корхоналарининг Канада ва Мексикадаги давлат харидларига кириш режимларини юмшатиш; АҚШ телекоммуникация компанияларининг ушбу мамлакатлар бозорларида эркин рақобатлашиш имкониятларини кенгайтириш;

(6) Интеллектуал мулк ҳуқуқларини "адекват ва самарали" ҳимоя қилиш масаласида АҚШнинг "умумий қондасига" мувофиқ Канада ва Мексика миллий қонунчилигини мувофиқлаштириш;

(7) Канада ва Мексикада америкалик инвесторларнинг фаолиятига сақланаётган тармоқ ва бошқа чекловларни камайтирадиган ёки бутунлай йўқ қиладиган қоидаларни қабул қилиш;

(8) Шимолий Америка Эркин савдо ҳудуди шартномасида мавжуд бўлган NAFTAга аъзо давлатлар ўртасидаги низоларни ҳал қилиш механизминини ислоҳ қилиш (дастлабки босқичда ўзаро мақбул ечимларни топиш учун дастлабки маслаҳатлашувлар амалиётини кенгайтириш);

(9) Янги шартномага чеклаш бандини киритиш, (sunset clause) агар уч томон ҳам кейинги беш йиллик муддатга узайтирилишини эълон қилмаса, уни беш йилдан кейин автоматик равишда бекор қилишни назарда тутати (шу билан АҚШ шартномадан чиқиш ҳуқуқини сақлаб қолиши);

(10) Модернизация қилинган келишув доирасидан "АҚШникини сотиб олинг" ("Buy America") концепциясини амалга ошириш амалиёти билан боғлиқ масалаларни қолдириш.

Шимолий Америка интеграцияси шартларини қайта кўриб чиқиш бўйича музокаралар 2017 йил 16 августда бошланди ва 13 ой давом этди. Музокарачилар дуч келган қийинчиликларнинг аксарияти иккита ҳолат билан боғлиқ эди. Улардан бири табиий объектив масалалар бўлиб, булар юзасидан томонлар ҳақиқатда ўзгартиришлар ёки қўшимчалар киритиш ва шунингдек, янги моддалар қўшишни зарур деб топдилар. Иккинчи ҳолат субъектив бўлиб, Д. Трампнинг фақат Қўшма Штатлар манфаатларини биринчи ўринга қўйиш истаги билан боғлиқ эди, ушбу масала бўйича ўзаро мақбул келишувларга эришиш жиддий қийинчиликларни келтириб чиқарди.

2018 йилнинг 5 мартда уч томонлама музокараларнинг еттинчи босқичи якунланди, ammo кун тартибидаги барча асосий масалалар бўйича келишувга эришилмади. Бунинг устига ўша йили 25 майдан АҚШ Президенти Д. Трамп пўлат ва алюминий импортига (мос равишда 25 ва 10%) тарифларни оширди. Бундан бевосита Мексика ва Канада металлургия компаниялари азият чекишди, улар учун АҚШ бозори устувор ҳисобланар эди. Бунга жавобан Канада Бош вазири Жастин Трюдо жавоб чораларини буюрди ва 16,6 миллиард долларлик АҚШ товарларига божларни жорий этишга рухсат берди.

Мураккаб музокаралардан сўнг томонлар янги келишувга эришдилар. АҚШ-Мексика-Канада шартномаси 2018 йилнинг 30 ноябрида Аргентинанинг пойтахти Буэнос-Айресда G-20 саммитида қабул қилинди. 2019 йилнинг 19 июнида Мексика Сенати шартномани ратификация қилди. Янги шартноманинг амал қилиш муддати ўн олти йилни ташкил этади, бу шубҳасиз бизнес компанияларига ўз фаолиятини узоқ муддатли режалаштиришни амалга оширишга имкон беради.

Бироқ, янги ҳужжат ҳамкорлик учун янги шартларни англатади. Асосий ўзгаришлар Шимолий Америкада тарифсиз савдо қилиш ҳуқуқини олиш учун автомобилларга қўйиладиган талаблар бўлди. Биринчидан, автоуловларнинг келиб чиқиш қондаси аввалги 62,5% га нисбатан Шимолий Америка таркибининг 75% талабига кўтарилди; иккинчидан, автомобилларда ишлатиладиган пўлат ва алюминийнинг 70% Шимолий Америка ишлаб чиқарувчилари томонидан таъминланиши белгиланди; учинчидан, енгил автомобил қийматининг 40% и (45% бир пикап ёки юк машинаси қийматининг) камида соатига 16 АҚШ доллари тўланадиган ишчи кучи томонидан ишлаб чиқарилган бўлиши керак ("ишчи кучи қиймати таркиби").

Бундан ташқари, янги шартномада асл бўлмаган" (Шимолий Американики бўлмаган) бутловчи қисмларни минтақавий таркиб ҳисоб—китобларига киритилмаслигини таъминлаш учун барча таркибий қисмларнинг якуний миллий келиб чиқишини қаттиқроқ текширишни талаб қилади, бу асосан Мексиканинг Хитойдан импорт қилган таркибий қисмларини ўз ичига олиши мумкин.

USMCA электроника учун келиб чиқиш қоидаларини ўзгартирмоқда. Электрон саноатнинг ўзига хос хусусиятларидан бири таъминот занжирлари ва паст тарифларнинг аҳамияти бўлиб, келишув томонларининг географик яқинлиги харажатларни сезиларли даражада камайтирадиган самарали логистика коридорини яратади. Электроника саноатига тегишли яна бир муҳим жиҳат автомобилсозлик билан боғлиқ — электроника саноати автомобиллар учун турли қисмларни етказиб беради,

шунинг учун минтақавий харажатлар келишуви талаби Мексикадаги электроника саноатига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин.

Янги битим меҳнат ҳуқуқлари бўйича сезиларли ижобий ўзгаришларни ўз ичига олади ва иштирокчилардан Халқаро Меҳнат Ташкилоти стандартларига риоя қилишни талаб қилади. Меҳнат бобида Мексикадан касаба уюшмаларининг жамоавий шартномаларини рўйхатдан ўтказиш, яраштириш ишлари учун мустақил тузилмаларни ташкил этиш, шунингдек, мустақил судларни тузишни талаб қилади. Ушбу келишувдаги талабларнинг бажарилиши АҚШ-Мексика чегарасининг ҳар икки томонидаги ишчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали воситасига айланишига умид беради. Агар мексикалик ишчилар мустақил касаба уюшмаларини туза олсалар ва иш ҳақи ҳамда меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича музокаралар олиб борсалар, бу Мексикадаги тенгсизликни юмшатишга ёрдам беради.

USMCA шартномасида валюта курси, макроиқтисодий сиёсат, рақамли савдони ривожлантириш, ўрта ва кичик бизнеснинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштироки ва коррупцияга қарши кураш бўлимлари мавжуд. Шартномада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун савдо сиёсатига, машинасозлик саноатида иш ҳақи, маҳаллий халқларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, маданият, энергетика, автомобиль савдоси, қишлоқ хўжалиги, интеллектуал мулк, атроф-муҳит соҳаларида, шунингдек, низоларни ҳал қилиш соҳасида ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор қаратилган. USMCA шартномаси кучга киргандан кейин камида 6 йилда бир марта кўриб чиқирилиши керак. Шартнома муддати - 16 йил. Қайта кўриб чиқилгандан сўнг, шартнома томонлар томонидан худди шу муддатга узайтирилиши мумкин (Office of the United States Trade Representative, 2018).

Шартноманинг бажарилишини назорат қилиш ва ўзгартиришлар киритиш учун асосан NAFTA тузилмаларини такрорлайдиган ташкилий тузилмалар шакллантирилди. USMCA нинг асосий органлари Эркин савдо комиссияси ва котибиятдир. Шу билан бирга, комиссия йилига камида бир марта вазирлар даражасида йиғилиши керак, ундаги барча қарорлар консенсус асосида қабул қилинади. Шунингдек, кичик кўмиталар, кенгашлар ва ишчи гуруҳлардан таркиб топган ёрдамчи тузилмалар мавжуд.

Хулоса ва таклифлар.

USMCA иқтисодий интеграцияси Европа Иттифоқи интеграциясидан кейин дунёда иккинчи йирик ташкилотдир. Айтилган пайтда Шимолий Америкадаги иқтисодий интеграция кўплаб юқори ривожланган давлатларнинг мувофиқлаштирилган тартибга солиш фаолиятига асосланган Ғарбий Европа ва Осиёдаги интеграциядан фарқ қилади.

Иккинчи Жаҳон уруши тугаганидан кейин Ғарбий Европа давлатларини бирлаштиришнинг асосий сабаби бошланишида кўпроқ сиёсий эди: абадий рақиблар - Германия ва Францияни яраштириш орқали Европада яна бир ҳалокатли урушнинг олдини олиш истаги. Бу Рим шартномасининг муқаддимасида ўз аксини топган бўлиб, унда иштирокчи давлатлар Европа халқларининг тобора яхлит бирлашувига асос солишга интилишлари ўз ифодасини топган. Шимолий Америкада эса интеграциянинг махсус модели мавжуд бўлиб, у кўп жиҳатдан дунёда таниқли бўлган классик Европа моделидан фарқ қилади. Унинг асосий хусусиятлари, биринчидан, ТМК каналлари орқали кенг кўламли капитал қўйилишига асосланган интеграциянинг юқори даражаси, иккинчидан, АҚШ, Канада ва Мексика ўртасидаги муносабатларнинг юқори ассиметрик табиати ва учинчидан, ривожланган сиёсий устки тузилманинг мавжуд эмаслигидир.

USMCA шартномаси дунёдаги энг йирик эркин савдо зонасини яратди, унинг ҳудудлари 21,78 миллион квадрат километр, аҳолиси 500 миллион киши, умумий ЯИМ 28 триллион АҚШ долларини ташкил этди. (2022 йил) (Worlddata.info, 2018).

Европа Иттифоқида интеграция гуруҳини яратиш ташаббуси иштирокчи мамлакатларнинг юқори ҳокимиятидан келиб чиққан бўлса, Шимолий Америкада фарқли ўлароқ, интеграция пастдан юқorigа кўтарилди, яъни АҚШ, Канада ва Мексика компаниялари ўртасидаги микродаражадаги ҳамкорлик давлатларaro даражада мустаҳкамланди.

USMCAдаги иқтисодий интеграция Ғарбий Европа интеграциясидан биринчи навбатда моноцентризм билан фарқ қилади, чунки АҚШни ЯИМ Канада ва Мексика ЯИМдан бир неча баравар юқоридир.

Европа Иттифогидан фарқли ўлароқ, USMCAда миллатларaro бошқарув органлари мавжуд эмас. Шартномага риоя қилиш савдо вазирлари даражасида эркин савдо бўйича уч томонлама комиссия томонидан тартибга солинади.

USMCAда хизмат кўрсатиш соҳасини либераллаштириш барча соҳаларни қамраб олмайди: ҳар бир иштирокчи ўз соҳавий имтиёзларини белгилаб берган. АҚШда бу телекоммуникация соҳаси, Канадада – соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, таълим, маданият, кино ва медиа соҳалари. Мексикада-нефт ва газ қазиб олиш. Авиация ва денгиз транспорти барча мамлакатлар томонидан чиқариб ташланган. Консенсусга эришилган тармоқларни тўлиқ либераллаштириш ва мамлакатлар миллий иқтисодиёт манфаатларини ҳисобга олган ҳолда баъзи тармоқларни олиб ташлаш амалиёти ягона иқтисодий маконни ташкил этишда фойдаланилиши мумкин.

USMCAнинг келгуси йиллардаги ривожланиши бевосита АҚШ ташқи сиёсати, шу жумладан, ташқи иқтисодий сиёсати, монетар ва фискал сиёсати билан боғлиқ бўлади. Томонлар интеграциялашувни чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш учун кўплаб мураккаб музокаралар натижасида қабул қилган янги таҳрирдаги шартномага мувофиқ ҳаракат қилишлари талаб қилинади. Бироқ янги сайланган АҚШ Президентининг ҳамкорларнинг товарларига нисбатан тарифларни ошириш, миграцион сиёсатни қайта кўриб чиқиш, Мексика билан чегараларни мустаҳкамлаш каби масалаларни яна кун тартибига келтириши ушбу интеграцион бирлашмада нотекис ривожланишни юзага келтириши мумкин.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Bela Balassa (1961) *The Theory of Economic Integration*// London: Routledge Revivals.

Björn Hettne (2005) *Beyond the 'new' regionalism*, *New Political Economy*, 10:4, pp. 543-571, <https://doi.org/10.1080/13563460500344484>

Lipsey, R. G. 1960. *The theory of customs unions: A general survey*. *The Economic Journal* 70 (279): pp. 496-513.

NAFTA and the United States-Mexico-Canada Agreement (USMCA). (n.d.). Available at: <https://fas.org/sgp/crs/row/R44981.pdf>.

Office of the United States Trade Representative (2018). *Agreement between the United States of America, the United Mexican States, and Canada Text | United States Trade Representative*. [online] Ustr.gov. Available at: <https://ustr.gov/trade-agreements/free-trade-agreements/united-states-mexico-canada-agreement/agreement-between>.

Robert Z. Lawrence (1996) *Preferential Trading Arrangements: The Traditional and the New*//The Egyptian Center for Economic Studies. pp. 1-24.

Worlddata.info. (2018). *Members of the USMCA - United States-Mexico-Canada Agreement*. [online] Available at: <https://www.worlddata.info/trade-agreements/nafta-freetrade>

Исмаилова Н.С., ва Шагазатов У.У. (2019) *Жаҳон иқтисодиёти ва халқaro иқтисодий муносабатлар*. Дарслик. –Т.: IQTISODIYOT. 244 б.

Кавешников Н.Ю. (2010) *Трансформация институциональной структуры Европейского союза*. М.: Навона, с. 36.

Комкова Елена Геннадиевна (2019) *ЮСМКА вместо НАФТА*// *Мировая экономика и международные отношения*- Т 63, № 4, с. 50-58.

Костюнина Галина Михайловна (2015) *Североамериканская интеграция: 20 лет спустя*// *Вестник МГИМО университета* - с. 231-241.